

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «7» 7

7-12-171-ОВ/2022-  
сон

Гурлан туман.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш күрувчи директор **И.Рахимов** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган Дружба МЧЖ номидан Низом асосида иш күрувчи А.Дўсниёзов иккинчи томондан Гурлан тумани Нукус махалласи Интилиш кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,325км)га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Таърифлар

### 1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**“ижро хўжатлари”**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хўжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хўжатлар:

**“таъмирлаш майдони”**: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вақтингчалик ишлар”**: Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”**: сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши**: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аник белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Гурлан тумани Нукус махалласи Интилиш кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1,325км) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг баённомаси (2022 йил “04” июлдаги “110060” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда 211627565 (икки юз ўн бир миллион олти юз йигирма етти минг беш юз олтмиш беш) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- таъмирлаш кийматини купайтиришга енгиг булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг таъмирлаши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳўжжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “1” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда вა муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- таъмирлаш майдонига зарур таъмирлаш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, таъмирлаш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- таъмирлаш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- таъмирлаш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли таъмирлаш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, таъмирлаш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

таъмирлаш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

таъмиrlаш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (таъмиrlаш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

#### V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмиrlаш майдонини объект таъмиrlаши ва таъмиrlаш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий таъмиrlашда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишина таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган таъмиrlашнинг давом этиш вақти аванс маблағлари ўтказилган кундан эътиборан **30** куни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу **63488269** (олтмиш уч миллион тўрт юз саксон саккиз минг иккисоз олтмиш тўккиз) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асосда амалга оширилади

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 95% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб таъмиrlаш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки жорий молия йили якунига қадар ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга киргай кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи таъмиrlаш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаетган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартномага шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлар учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмиrlаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини таъмиrlашда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва таъмирлаш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда таъмирлаш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидан қўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва таъмирлашда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор киласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг таъмирлашда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларидан беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг қўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганилигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва таъмирлаш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида қўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, таъмирлаш даврида майдонда таъмирлаш ахлатини Буюртмачи томонидан қўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар қўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, таъмирлаш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъмирлашни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида қўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартарафи этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### IX. Ишларини қўриклиш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллагунча ва таъмирлаш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган таъмирлаш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар таъмирлаш техникаси ва бошқа мод-мулк зарур даражада қўриклинишини таъминлайди.

40. Таъмирланган объект ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклиди.

#### XI. Таъмиралиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Таъмиралиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмиралиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

46. Пудратчи таъмиралиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда таъмиралиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан таъмиралиш учун қўлланиладиган таъмиралиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;
- объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар таъмиралиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объектнинг кафолат муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиши даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

• Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиши муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш таъмиралишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин таъмиралишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмиралиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

### 53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмиглаш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлум қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, таъмилаш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи таъмилашда Давлат назорати инспекциясининг хуносаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **20** фоизи миқдорида ундириш хукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи таъмилаш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи таъмирлаш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома Газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг коррупцияяга қарши қурашиб бўйича мажбуриятлари

74. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупцияйи ҳаракатларни содир қиласликка келишиб оладилар.

75. Тарафлар шартномадаги коррупцияяга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

76. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар киради.

77. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда куйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишида тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишида олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳукуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яширишга;

в) коррупцияяга оид ҳукуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

78. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишида, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиши хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳукукшунослар, хисобчилар, улар номидан ҳаракат қиласиги бошқа вакилларга) нисбатан куйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупцияйи ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупцияйи ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупцияйи ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишида ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

79. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияяга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганилиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганилиги учун уларга тазийк ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

80. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияяга қарши қўшимча шартларнинг 76 ва 77-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганилиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиши натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда,

ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари**

**БУЮРТМАЧИ:**

**ПУДРАТЧИ:**

Гурлан туман Ободонлаштириш бошқармаси	Дружба МЧЖ
Манзили: Гурлан т Мустақиллик кўчаси 2-й	Манзили: Гурлан тумани Бирлашган қишлоғи
Тел/факс: 365-15-40	Тел/факс: 97.791-00-22
шх/р: 100022860332087045204110002	х/р: 20208000300352587001
Банк: Марказий банк Тошкент шахар ХККМ	Банк: Ҳамкор банк Урганч филиали
МФО: 00014	МФО: 01020
ИНН: 206944034	ИНН: 201852359
ОҚЭД: 70100	ОҚЭД: 42110
Молия вазирлиги ягона ғазна хисоб вараги	
х/р: 23402000300100001010.	
ИНН: 201122919	



И.Рахимов



А. Дўсниёзов

**Объектда бажариладиган таъмирлаш-монтаж ишлари**  
**ЖАДВАЛИ**

1-жадвали

Т/ р	Ишлар тури ва номи	Ишлар хажми (км)	2022 йил учун таъмирлаш киймати												Ишлар тури кийматини нг жами	
			I - чорак			II - чорак			III - чорак			IV - чорак				
			Яна ръ	Февр аль	Мар т	Апре ль.	Май	Июнь	Июль	Авгу ст	Сентя брь	Октя брь	Нояб рь	Дека брь		
1	Гурлан тумани Нукус маҳалласи Интилиш кўчаси ички хўжалик йўлни таъмирлаш	1.325													211627565	

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси хисобланади ва унинг ахралмас кисми леб каралади.
2. Келгуси йиллардаги таъмирлаш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

**БУЮРГТАМИ:**

Рахбар: И.Рахимов

**ПУДРАТИ:**

Рахбар: А.Дўсниёзов



2-жадвали

“Гурлан тумани Нукус махаласи Интилини кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш (1.325км)”  
Ишларни (боскичларга бўлган холда) бўнак ва жорий молиялаштиришини хисобга олган холдаги молиялаштириши жадвали

Таъмирлаш ўйлари 2022 йил.												
Молиялаштириши шарти	Январ	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
30 % бўнак(аванс) тўлови							63488269					
95 % бажарилган ишлар							137557918					
далполатномаларига асоссан												
5 % тўлов кафолат муддати												10581378
тутаганидан сўнг												

Молиялаштириши шарти

Ойлар

БУЮРГМАЧИ:

Рахбар: 

И.Рахимов

ПУДРАТЧИ:

Рахбар: 

А.Дўсниёзов



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA

**Loyihaning turi:** Shartnoma

**Loyihaning nomi:** Gurlan tuman Obodonlashtirish boshqarmasi hamda “Drujba” MChJ o‘rtasida tuziladigan Gurlan tumani Nukus mahallasi Intilish ko‘chasi ichki xo‘jalik yo‘lini joriy ta’mirlash (1,325km)ga doir pudrat shartnomasi loyihasi

**Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**  
Gurlan tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 07-iyul kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



E.Raxmatillayev  
07.07.2022-yil

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 110060 на приобретение Гурлан тумани Нукус махалласи Интилиш кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш 1.325 км.**

**Способ проведения электронный**

Дата 04.07.2022

Время рассмотрения 02.07.2022 16:26

Конкурсная комиссия Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	RAXIMOV IKROM AXMEDOVICH	Бошқарма бошлиғи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	NARIMMETOV O'TKIRBEK SHUXRATOVICH	Иқтисодчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	DJUMATOV RASHID ZARIFOVICH	Инфратузилма обектлари ва автотранспортдан фойдаланиш бўлими бошлиғи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	SARIBAYEV AZAMAT BALTABAYEVICH	Бош мухандис	Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	SAPARBAYEV YUSUPBAY ISKANDAROVICH	Бош хисобчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	XASANOV ODILBEK BEKTURDIYEVICH	Техник назоратчи	Гурлан туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объятиению на специальном информационном портале от 04.07.2022 года № лота 110060.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Гурлан тумани Нукус махалласи Интилиш кўчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш 1.325 км.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	234 620 361.00
Стартовая сумма	234 620 361.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги З йиллик иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига 98,3 млн.сўм (Буюртмачи бошланғич нархнинг 50%) ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) (15 балл). Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш (10 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DRUJBA	25	1	25	Экспертная		
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	25	1	25	Экспертная		
XIVA XALOL SAVDO MCHJ	25	1	25	Экспертная		
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	25	1	20	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	25	1	25	Экспертная		
PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж	25	1	25	Экспертная		
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	25	1	25	Экспертная		

Критерий №2 Машина ва механизмлар рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Зарур бўлган 11 та дан кам бўлмаган охирги 20 й-да ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги. 1 Автогрейдер (135) КВТ 1 Автопогрузчик 5т 1 Бульдозер 1 Каток 8 т 1 Каток 13 т 1 Машина поливочная 6000Л 1 Экскаватор 0.65 М3 1 Автогрейдер (149) КВТ (200 Л.С) 1 Каток вибрационни 20 т 1 Распределители каменной мелочи 1 Автосамосвал 20 т (ижара шартнома асосидаги қурилиш тех-нинг баллари 50% камайтирилади) (15 балл). Зарур бўлган 20 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги (5 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DRUJBA	20	1	16.56	Экспертная		
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	20	1	11.8	Экспертная		
XIVA XALOL SAVDO MCHJ	20	1	12.48	Экспертная		
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	20	1	10.44	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	20	1	3.16	Экспертная		
PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж	20	1	11.12	Экспертная		
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	20	1	10.44	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Бинарное значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги (4 балл). 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) (3 балл). Ишлаб-чикариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги (3 балл). Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги (3 балл). Ходимларнинг йиллик уртacha сони (3 балл). Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги (3 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DRUJBA	19	1	19	Экспертная		
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	19	1	19	Экспертная		
XIVA XALOL SAVDO MCHJ	19	1	19	Экспертная		
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	19	1	19	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	19	1	19	Экспертная		
PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж	19	1	2	Экспертная		
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	19	1	17	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ваундан кўп (6 балл). Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (6 балл). Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга қадар) мавжудлиги (5 балл). Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм (4 балл). Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ваундан кўп (4 балл). Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (3 балл). Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (6 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DRUJBA	34	1	34	Экспертная		
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	34	1	34	Экспертная		
XIVA XALOL SAVDO MCHJ	34	1	34	Экспертная		
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	34	1	34	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	34	1	34	Экспертная		
PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж	34	1	34	Экспертная		
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	34	1	34	Экспертная		

Критерий №5 Қурилиш майдонини күрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Курилиш майдонини күрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (2 балл).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО DRUJBA	2	1	2	Экспертная		
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	2	1	2	Экспертная		
XIVA XALOL SAVDO MCHJ	2	1	2	Экспертная		
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	2	1	2	Экспертная		
ООО XIVA STANDART PLYUS	2	1	2	Экспертная		
PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж	2	1	2	Экспертная		
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	2	1	2	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	234 620 361.00	211 158 324.90	30.06.2022 21:04:24	37.29
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	234 620 361.00	211 808 646.00	30.06.2022 19:21:43	37.17
ООО DRUJBA	234 620 361.00	211 627 565.00	29.06.2022 22:16:04	37.21
PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж	234 620 361.00	196 846 483.00	30.06.2022 22:41:57	40.00
XIVA XALOL SAVDO MCHJ	234 620 361.00	211 158 325.00	30.06.2022 20:03:03	37.29
ООО XIVA STANDART PLYUS	234 620 361.00	213 504 529.00	30.06.2022 21:22:02	36.88
ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION	234 620 361.00	211 158 325.00	01.07.2022 01:37:51	37.29

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
TOLIBAY YULDASH SHERMON MCHJ	51.264	37.28889	88.55289
XORAZM UMUM QURILISH MCHJ	55.08	37.1744	92.2544

<b>ООО DRUJBA</b>	57.936	37.20621	95.14221
<b>PIRNAXOS JAYXUN SERVIS М.Ч.Ж</b>	44.472	40	84.472
<b>XIVA XALOL SAVDO MCHJ</b>	55.488	37.28889	92.77689
<b>ООО XIVA STANDART PLYUS</b>	49.896	36.87912	86.77512
<b>ООО KHIVA INAVASIOON CONSTRUCTION</b>	53.064	37.28889	90.35289

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 110060 от 04.07.2022 года на приобретение Гурлан тумани Нукус махалласи Интилиш күчаси ички хўжалик йўлини жорий таъмирлаш 1.325 км. определила победителем:

**ООО DRUJBA**  
201852359

и резервный исполнитель: XIVA XALOL SAVDO MCHJ (301276716)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	RAXIMOV IKROM AXMEDOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XASANOV ODILBEK BEKTURDIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAPARBAYEV YUSUPBAY ISKANDAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DJUMATOV RASHID ZARIFOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SARIBAYEV AZAMAT BALTABAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП